

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**  
**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Ё. УМАРОВНИНГ**  
**ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. 59-Пайариқ сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ёқуб Дониёрович Умаров Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимларини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудири лавозимига тайинланганлиги муносабати билан ва берган аризасини инобатга олиб унинг депутатлик ваколоти муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М. Абдусаломов**

*Тошкент шаҳри,*  
*2017 йил 10 июль,*  
*№ 840.*